



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 30 » sentabr

№ 557

Toshkent sh.

Узум етиштирувчилар ва вино маҳсулотини ишлаб чиқарувчилар республика кўрик-танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Узумчиликни ривожлантиришда кластер тизимини жорий этиш, соҳага илғор технологияларни жалб қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 28 июлдаги ПҚ–5200-сон қарорининг ижросини самарали ташкил этиш, республикада узум плантацияларини кўпайтириш, жаҳонда эътироф этилган тармоқ андозаларига мувофиқ ташкил этиш ва уларда ҳосилдор узум навларини етиштиришни йўлга қўйишни, аҳолининг сифатли табиий вино маҳсулотига бўлган эҳтиёжи қондирилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Узумчиликни ривожлантиришда кластер тизимини жорий этиш, соҳага илғор технологияларни жалб қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 28 июлдаги ПҚ–5200-сон қарорига мувофиқ:

2023 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир марта узумчилик йўналишида “Энг яхши узум нави”, “Энг яхши маҳаллий узум нави” ва “Энг яхши вино маҳсулоти” номинациялари бўйича ўтказиладиган республика кўрик-танлови таъсис этилганлиги;

кўрик-танлов ғолибларини пул мукофоти ва бошқа эсдалик совғалари билан тақдирлаш Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Узум етиштирувчилар ва вино маҳсулотини ишлаб чиқарувчилар республика кўрик-танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоми** иловага мувофиқ тасдиқлансин:

кўрик-танловни ҳар икки йилда бир марта ўтказиш;

Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги томонидан кўрик-танловни ўтказиш бўйича **ташкилий кўмита фаолиятини ташкил этиш;**

кўрик-танловни “Энг яхши узум нави”, “Энг яхши маҳаллий узум нави”, “Энг яхши вино маҳсулоти” номинациялари асосида узум етиштирувчи ва вино маҳсулоти ишлаб чиқарувчи юридик шахслар ўртасида ўтказиш;

кўрик-танлов иштирокчиларини баҳолаш, ғолиб ва совриндорларни мукофотлаш тартиби;

кўрик-танловни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар, шу жумладан, кўрик-танловнинг ғолиб ва совриндорлари учун мукофотлар, дипломларни Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг Виночиликни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳамда масъул вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан тенг улушларда **молиялаштириш тартиби.**

3. Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан биргаликда:

а) **бир ой муддатда Узум етиштирувчилар ва вино маҳсулотини ишлаб чиқарувчилар республика кўрик-танловини ўтказиш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;**

б) ушбу **чора-тадбирлар дастури доирасида қуйидагилар амалга оширилишини назарда тутсин:**

кўрик-танловни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш, кўрик-танлов иштирокчилари маҳоратини баҳолаш, ғолибларни аниқлаш мақсадида соҳа олимлари, тажрибали мутахассисларидан иборат таркибда **ҳакамлар ҳайъатини шакллантириш ва тасдиқлаш;**

ғолибларни кўрик-танлов ташкилотчиларининг ўз маблағлари ҳисобидан пул мукофоти ва бошқа эсадиқ совғалари билан тақдирлаш тадбирлари, уларни ўтказишнинг аниқ муддатлари ва масъул ижрочиларини белгилаш.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “30” сентябр даги 557 -сон қарорига
илова

**Узум етиштирувчилар ва вино маҳсулотини ишлаб чиқарувчилар
республика кўрик-танловини ўтказиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Узум етиштирувчилар ва вино маҳсулотини ишлаб чиқарувчилар республика кўрик-танловини (кейинги ўринларда – кўрик-танлов) ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Кўрик-танлов ҳар икки йилда бир марта сентябрь ойида мазкур Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ ўтказилади.

3. Узум етиштирувчилар ва вино маҳсулотини ишлаб чиқарувчилар республика кўрик-танловини ўтказиш бўйича ташкилий қўмита (кейинги ўринларда – Ташкилий қўмита) таркиби ва унинг фаолият кўрсатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) томонидан тасдиқланади.

Ташкилий қўмита таркибига Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (кейинги ўринларда – масъул вазирлик ва идоралар) вакиллари киритилади.

4. Ташкилий қўмита кўрик-танловни ташкил этиш ва юқори савияда ўтказиш учун масъул ҳисобланади.

Ташкилий қўмитанинг ишчи органи функцияларини бажариш Агентлик зиммасига юклатилади.

5. Ташкилий қўмита кўрик-танлов ўтказилишидан камида беш ой олдин кўрик-танловни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан қўмита мажлисини ўтказди. Бунда Ташкилий қўмита мажлиси кун тартиби қуйидагиларни ўз ичига олади:

кўрик-танловни ўтказиш доирасида масъул шахсларни белгилаш;

кўрик-танловни ўтказиш жойи ва санасини белгилаш;

кўрик-танловни ташкил этиш ва унинг ўтказилиши билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш манбаларини белгилаш;

ҳакамлар ҳайъати, шу жумладан вино маҳсулоти бўйича дегустаторлар таркибини шакллантириш;

кўрик-танловнинг дастурини ва ғолибларни тақдирлаш миқдорини тасдиқлаш масалалари бўйича қарор қабул қилиш.

6. Агентлик масъул вазирлик ва идоралар вакилларини жалб этган ҳолда:

Ташкилий кўмитанинг кейинги йиғилишларини ташкил этади, йиғилиш баённомаларини расмийлаштиради, тарқатади ва йиғилиш қарорлари ижросини назорат қилади;

кўрик-танловлар ҳужжатлари йиғмажилдларини юритиш ва сақлашни таъминлайди;

кўрик-танлов санаси ва уни ўтказиш тартиби ҳақидаги ахборотни оммавий ахборот воситалари орқали ёки бошқа қулай шаклда тарқатади;

кўрик-танловда иштирок этиш истагини билдирган узум етиштирувчилар ва вино маҳсулотини ишлаб чиқарувчилардан Ташкилий кўмита веб-сайти орқали келиб тушган аризаларини ўрганиб чиқади ва уларни номзодлар рўйхатига киритади;

кўрик-танлов ўтказиладиган жой (ҳудуд)да ҳар битта номинация бўйича кўрик-танловга тақдим этилган маҳсулотлар жойлаштирилишини ташкил этади;

ҳар бир номинация бўйича ғолибларга берилиши лозим бўлган мукофотларни тайёрлайди ва жамлайди.

2-боб. Ҳакамлар ҳайъатлари

7. Ташкилий кўмитанинг йиғилиши қарори асосида ҳар битта номинация бўйича аъзолари беш нафардан иборат ҳакамлар ҳайъати шакллантирилади.

8. Ҳакамлар ҳайъати фаолиятида холислик ва шаффофликни таъминлаш мақсадида ҳар битта номинация бўйича ҳакамлар ҳайъати аъзолигига номинация турига мувофиқ равишда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, Агентлик, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази, Академик Маҳмуд Мирзаев номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтидан биттадан номзод киритилади.

9. Ҳар битта номинация бўйича ҳакамлар ҳайъати раиси тегишли ҳакамлар ҳайъати аъзолари томонидан сайланади. Сайлов натижалари акс эттирилган баённома Ташкилий кўмитага тақдим этилади.

3-боб. Кўрик-танловда иштирок этиш тартиби

10. Кўрик-танловда узум етиштирувчи ва вино маҳсулоти ишлаб чиқарувчи юридик шахслар иштирок этадилар.

11. Кўрик-танловни ўтказиш жойи, муддати ва шартлари кўрик-танлов ўтказилишидан икки ой олдин оммавий ахборот воситалари, Агентликнинг расмий веб-сайти ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинади.

12. Кўрик-танлов эълон қилинганидан сўнг ўн кун ичида унда иштирок этиш истагини билдирган номзод мазкур Низомга 2-иловада келтирилган намунага мувофиқ тайёрланган аризасини Агентликнинг расмий веб-сайтига электрон шаклда тақдим этади. Номзод унинг аризаси қабул қилинганлиги ҳақида хабардор қилинади.

13. Номзод фақат битта номинацияда иштирок этиши мумкин.

14. Иштирокчи томонидан кўрик-танловга ўзи етиштирмаган узум, ўзи тайёрламаган вино маҳсулотини тақдим этилганлиги ҳолати аниқланганда бундай иштирокчи ҳакамлар ҳайъатининг қарори билан кўрик-танловдан четлаштирилади.

15. Кўрик-танловдан четлатилган номзод Ташкилий қўмигага ёки белгиланган тартибда судга шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

16. Номзод ўз ташаббуси билан кўрик-танловда иштирок этишдан бош тортиш ҳуқуқига эга. Номзод ушбу ҳуқуқдан фойдаланган тақдирда, у Ташкилий қўмигага бу тўғрида кўрик-танлов бошланишидан камида ўн кун олдин хабар бериши шарт.

17. Кўрик-танлов иштирокчиси танланган номинация бўйича ўз маҳсулотлари билан биргаликда:

хар бир маҳсулотни етиштириш (тайёрлаш) усулларини, тарихини акс эттирувчи ёзма маълумотларни намоиш этади;

маҳсулот мазасини тотиб кўриш (дегустация) учун тақдим этади.

18. Кўрик-танлов иштирокчиси кўрик-танлов даврида маҳсулот етказиб бериш, узум кўчатларини парваришлаш каби хизматларни кўрсатиш бўйича шартномалар тузиши мумкин.

4-боб. Кўрик-танловнинг номинациялари ва баҳолаш мезонлари

19. Кўрик-танлов қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

“Энг яхши узум нави”;

“Энг яхши маҳаллий узум нави”;

“Энг яхши вино маҳсулоти”.

20. Ҳар бир номинацияда кўрик-танловнинг асосий йўналишлари бўйича 1, 2, 3-ўрин совриндорлари аниқланади.

1-§. “Энг яхши узум нави” номинацияси

21. “Энг яхши узум нави” номинациясида узум навлари куйидаги мезонлар асосида баҳоланади:

навнинг жозибадорлиги;

меваси таркибидаги шакар, кислота миқдори;

таъми;

етилиш муддатлари ва ҳосилдорлиги;

сақлаш муддатлари ва транспортабеллиги;

касаллик ва зараркунандаларга чидамлилиги;

иссиқ ва совуққа бардошлилиги;

навнинг ўзига хослиги ва янгилиги;

етиштирилаётган плантациядаги ҳосилдорлиги;

олинаётган ҳосилдан фойдаланиш кўрсаткичлари;

махсус техникалардан фойдаланиш коэффициентлари.

Бунда ҳар битта мезон бўйича 1-5 баллгача бўлган баҳо қўйилади.

2-§. “Энг яхши маҳаллий узум нави” номинацияси

22. “Энг яхши маҳаллий узум нави” номинациясида узум навлари куйидаги мезонлар асосида баҳоланади:

республика худудида қадимдан етиштириб келинган маҳаллий узум нави (автохтон) бўлиши;

меваси таркибидаги шакар, кислота миқдори;

таъми;

етилиш муддатлари ва ҳосилдорлиги;

сақлаш муддатлари ва транспортабеллиги;

касаллик ва зараркунандаларга чидамлилиги;

иссиқ ва совуққа бардошлилиги;

етиштирилаётган плантациядаги ҳосилдорлиги;

олинаётган ҳосилдан фойдаланиш кўрсаткичлари;

махсус техникалардан фойдаланиш коэффициентлари.

Бунда ҳар битта мезон бўйича 1-5 баллгача бўлган баҳо қўйилади.

3-§. “Энг яхши вино маҳсулоти” номинацияси

23. “Энг яхши вино маҳсулоти” номинацияси дегустация қилиш тартибида амалга оширилади.

24. Дегустация тартиби, дегустаторларга кўйиладиган талаблар, дегустация учун хона ва ускуналар, иш ўринларига бўлган талаблар, дегустация учун маҳсулот намуналари олиш, органолептик баҳолаш натижаларини қайта ишлаш учун намуналар тақдим этиш тартиби техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ амалга оширилади.

25. Дегустацияда “Энг яхши вино маҳсулоти” номинациясида вино маҳсулоти кўйидаги мезонлар асосида баҳоланади:

а) ташқи кўриниши:

шаффофлиги – 1 дан 5 баллгача;

ранги – 2 дан 10 баллгача;

б) хушбўйлиги:

тозалиги – 2 дан 6 баллгача;

интенсивлиги – 2 дан 8 баллгача;

сифати – 8 дан 16 баллгача;

в) таъми:

тозалиги – 2 дан 6 баллгача;

интенсивлиги – 2 дан 8 баллгача;

истеъмолдан кейинги таъми – 4 дан 8 баллгача;

сифати – 10 дан 22 баллгача;

г) уйғунлиги (умумий таассурот) – 7 дан 11 баллгача.

Мазкур номинацияда умумий мезонлар кесимида 1 дан 100 баллгача бўлган баҳо кўйилади.

26. Ҳакамлар ҳайъати баҳолашни амалга ошириб бўлганларидан сўнг натижалар алоҳида конвертларга солинган ҳолда Ташкилий қўмига тақдим этилади.

5-боб. Мукофотлаш тартиби

27. Кўрик-танлов ғолиблари ташкилий қўмига томонидан 1, 2, 3 - даражали дипломлар ва пул мукофотлари билан тақдирланадилар.

28. “Энг яхши узум нави”, “Энг яхши маҳаллий узум нави” ва “Энг яхши вино маҳсулоти” номинациялари бўйича пул мукофотлари кўйидагича тақсимланади:

биринчи ўрин соҳиблари – базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баравари миқдорида;

иккинчи ўрин соҳиблари – базавий ҳисоблаш миқдорининг 75 баравари миқдорида;

учинчи ўрин соҳиблари – базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорида.

29. Кўрик-танловнинг 1, 2, 3 - ўринлар совриндорларига тақдим этиладиган дипломларнинг намунаси Ташкилий қўмита томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

6-боб. Кўрик-танловни молиялаштириш

30. Кўрик-танловни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар, кўрик-танлов ғолиблари ҳамда совриндорлари учун мукофотлар, дипломлар Агентликнинг Виночиликни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳамда масъул вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан тенг улушларда молиялаштирилади.

31. Кўрик-танловни молиялаштириш учун Агентлик ҳамда масъул вазирлик ва идоралар Ташкилий қўмитанинг йиғилиши қарорида белгиланган харажатлар суммасини ушбу йиғилиш қарори қабул қилинганидан сўнг ўн иш кунда Агентликнинг Ғазначиликдаги махсус ҳисобварағига ўтказиб беради.

Бунда, Ташкилий қўмитанинг йиғилиш қарорида белгиланган кўрик-танлов харажатлари сметасининг суммаси масъул вазирлик ва идоралар ўртасида тенг улушларда тақсимланади.

32. Ҳакамлар ҳайъати аъзолари кўрик-танловда иштирок этган даврда уларнинг асосий иш жойи бўйича ўрни (лавозими) ва ўртача иш ҳақи сақланади.

33. Кўрик-танловни қўшимча равишда юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек, халқаро ташкилотлар ҳомийлик хайриялари сифатида молиялаштириши мумкин.

7-боб. Яқунловчи қоидалар

34. Ушбу Низомни қўллаш жараёнида юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

35. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Узум етиштирувчилар ва вино маҳсулотини
ишлаб чиқарувчилар республика кўрик-
танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

Узум етиштирувчилар ва вино маҳсулотини ишлаб чиқарувчилар
республика кўрик-танловини ўтказиш
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Ташкилий қўмита	Кўрик-танловни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ташкилий йиғилиш ўтказилади.	Кўрик-танловни ўтказиш санасидан камида 5 ой олдин
2-босқич	Агентлик ҳамда масъул вазирлик ва идоралар	Кўрик-танловни молиялаштириш учун ташкилий қўмитанинг йиғилиши қароридан белгиланган харажатлар суммасини Агентликнинг Ғазначиликдаги махсус ҳисобварағига ўтказилади.	Қарор қабул қилинганидан сўнг ўн иш кунинда
3-босқич	Агентлик	Кўрик-танловни ўтказиш жойи, муддати-санаси ва шартларини Агентликнинг расмий веб-сайти ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилади.	Кўрик-танлов ўтказилишидан 2 ой олдин
4-босқич	Номзод	Аризани Агентликнинг расмий веб-сайтига ёзма ёки электрон шаклда, ариза қабул қилинганлиги ҳақида хабардор қилинган ҳолда тақдим этади.	Кўрик-танлов эълон қилинганидан сўнг ўн кунлик муддат ичида
5-босқич	Ташкилий қўмита	Кўрик-танловни ўтказилади.	Ҳар икки йилда бир марта, сентябрь ойининг биринчи ҳафтасида
6-босқич	Ташкилий қўмита	Кўрик-танлов ғолибларини 1, 2, 3 - даражали дипломлар ва пул мукофотлари билан тақдирлайди.	Кўрик-танлов якунида



Узум етиштирувчилар ва вино маҳсулотини
ишлаб чиқарувчилар республика кўрик-
танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Алкоголь
ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда
виночиликни ривожлантириш агентлигига**

Ариза
(намуна шакли)

Мен, _____,
(фамилияси, исми, отасининг исми)

_____ вилояти _____ туманида жойлашган

(юридик шахснинг номи)

раҳбари лавозимида фаолият юритиб келмоқдаман.

Юридик шахс ҳақида маълумотлар:

СТИР: _____

Хизмат кўрсатувчи банк муассасаси: _____;

Банк ҳисобварағи: _____;

Шахсий веб-сайт (электрон почта) номи (мавжуд бўлса) _____.

Мен 20__ йилда ўтказилиши режалаштирилган Узум етиштирувчилар ва вино
маҳсулотини ишлаб чиқарувчилар республика кўрик-танловида _____
_____ номинациясида юридик шахс номидан иштирок
этиш истагини билдираман.

Кўрик-танловга ўзимга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган қуйидаги
маҳсулотлар намуналарини тақдим этаман:

(иштирок этаётган номинация бўйича баҳолаш мезонларидан келиб чиқиб, кўрик-танловга тақдим эта
оладиган маҳсулотлари)

Менга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш суд томонидан
тақиқланмаган.

Давлат органлари ва ташкилотларида, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза
қилувчи органларда, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ
масалаларни ҳал қилиш ёки бундай фаолиятни назорат қилиш вазифасига кирувчи
давлат органларида фаолият юритмайман.

Бошқарувимдаги юридик шахсга нисбатан санация қўлланилмаган,
банкротлик тартиб-таомиллари жорий қилинмаган.

Мен Узум етиштирувчилар ва вино маҳсулотини ишлаб чиқарувчилар
республика кўрик-танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом билан тўлиқ
танишиб чиқдим.

Юқорида баён этилганларни эътиборга олиб, мени кўрик-танлов
иштирокчиси сифатида рўйхатга олишингизни сўрайман.

_____ раҳбари _____

(имзо)

(Ф.И.О.)